

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МУАССИСЛИГИДАГИ  
РЕСПУБЛИКА ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ  
ЎРТАСИДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИК**

**МЕМОРАНДУМИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МУАССИСЛИГИДАГИ  
РЕСПУБЛИКА ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ ВА  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК АГЕНТЛИГИ  
ЎРТАСИДА ЎЗARO ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ**

**Муқаддима**

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги Республика ёш олимлар кенгаши нодавлат ноижорат ташкилоти бир томондан ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги иккинчи томондан (кейинги ўринларда – “Томонлар” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ–5106-сон фармонида асосланиб,

“2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” (кейинги ўринларда “Ҳаракатлар стратегияси” деб юритилади)да ҳамда Томонларнинг ўз Устав ва Низомида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш борасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида, ёш олимлар, хусусан докторантура, таянч докторантура ва мустақил изланувчи-тадқиқотчилар инновацион ва рационализаторлик ғоя, қурилма ва бошқа саноат ишланмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

**I. Ҳамкорлик мақсади**

1. Томонлар икки томонлама муносабатларнинг истиқболларини белгилаш, ўзаро қизиқиш уйғотадиган масалаларни келишган ҳолда амалга ошириш, ўзларининг ваколатлари доирасида, икки томонлама манфаатли муносабатларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик қиладилар.

2. Томонлар республикада ёшларга оид давлат сиёсатидан келиб чиқиб, ҳамкорликни амалга оширади.

**II. Ҳамкорликнинг асосий йўналишлари**

3. Томонларнинг ҳамкорлиги қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

1) ёш олимларни инновацион ғоя ва ишланмаларини амалиётга татбиқ қилиш, энг асосийси фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш орқали уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш;

2) илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган ёш олимлар ва ихтирочиларни Бутунжаҳон Интеллектуал Мулк Ташкилоти ва бошқа етакчи таълим муассасаларининг масофавий таълим курсларида ўқишларида амалий ёрдам бериш;

3) мамлакатимиз ёшларини ихтирочилик ва инновацион ғоя ва таклифларини ўрганиш ҳамда уларнинг бу борадаги тушунча ва билимларини янада бойитиш мақсадида ўзаро ҳамкорликда “Жаҳонда ёшларни интеллектуал мулк объектларини яратишда тутган ўрни: статистика ва қиёсий таҳлил”, “Мен ихтиро қилдим. Унга

ҳуқуқий муҳофаза олиш учун нима қилишим керак?”, “Интеллектуал мулк – ёшлар нигоҳида” каби мавзуларда очиқ мулоқотлар ташкиллаштириш;

4) Интеллектуал мулк объектлари яратиш, уларни ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш каби мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб бораётган талаба-ёшларни уларни ҳошишларига кўра, Интеллектуал мулк агентлиги ва Республика ёш олимлар кенгашида стажировка ва диплом олди амалиётларини ўтказишни ташкиллаштириш;

5) интеллектуал мулкка доир ўқув фанларини Республика ўрта-махсус ва олий таълим муассасалари тизимида кенг жорий этишда амалий кўмаклашиш;

6) Республикамизнинг таниқли олимлари ва Интеллектуал мулк агентлигининг тажрибали мутахассисларини жалб этган ҳолда эндигина илмий-тадқиқот ишларини бошлаётган, ўзининг интеллектуал мулк объектга патент олишни режалаштираётган ёш олим ва тадқиқотчилар билан учрашувлар ташкиллаштириш;

7) ёш олимларнинг интеллектуал мулк бўйича халқаро ва республика даражасидаги илмий-амалий форум, конференция ва семинарларни ташкил қилинишида ҳамда хорижий илмий-тадқиқот муассасалари ва уюшмалари билан алоқаларни йўлга қўйишда кўмаклашиш;

8) ҳар йили Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ўтказиладиган энг яхши интеллектуал мулк объектларини тақдирлаш бўйича ўтказиладиган танловда ҳамда “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар” республика ярмаркасига ёш иқтидорли ва интеллектуал салоҳиятли олимларни жалб этиш бўйича кенг тарғибот тадбирларини ташкиллаштириш;

9) Интеллектуал мулк агентлиги ва тизимдаги корхона ҳамда Республика ёш олимлар кенгаши билан турли йўналишларда ҳамкорлик қилиш бўйича чора-тадбирлар кўриш.

### **III. Ҳамкорликнинг амалга оширилиши**

4. Томонлар мазкур Меморандумнинг самарали ижросини таъминлаш ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятни мувофиқлаштириб бориш мақсадида ҳар йили чора-тадбирлар режасини тузадилар.

5. Томонлар мазкур Меморандумда назарда тутилган йўналишлар бўйича ўзаро ахборот алмашадилар, ҳамкорлик масалалари бўйича учрашувлар ўтказадилар ҳамда зарурий маслаҳатлашувларни амалга оширадилар.

6. Ҳамкорликни самарали амалга ошириш мақсадида Томонлар:

а) ўз вакилларида иборат ишчи гуруҳларини тузиш, шунингдек, тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларидан мутахассисларни жалб қилиши;

б) аниқ мақсадга йўналтирилган тадбирларни ташкиллаштириши;

в) ҳамкорлик йўналишларидан келиб чиқиб, Томонларнинг келишувига кўра қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа чора-тадбирларни белгилаши мумкин.

7. Томонлар ўзларининг фаолияти тўғрисида матбуот, радио ва телевидения орқали кенг жамоатчиликни хабардор қилиб туришлари мумкин.

#### IV. Маслаҳатлашув

8. Томонлар Меморандумни қўллаш юзасидан ўзаро келишилган вақтларда маслаҳатлашувлар ўтказадилар.

#### V. Ўзгартиш ва қўшимчалар

9. Ҳар бир Томон ушбу Меморандумга ёхуд унинг қисмларига ўзгартиш ёки қўшимча киритишни бошқа Томонга ёзма равишда таклиф этиши мумкин.

10. Томонлар ўзаро келишилган ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишда ушбу Меморандумнинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ва Томонлар белгиллаган кундан бошлаб кучга кирадиган қўшимча келишув шаклида расмийлаштирилади.

11. Ҳар қандай ўзгартиш ва қўшимчалар уларнинг кучга киргунига қадар ушбу Меморандумдан келиб чиққан ҳамкорлик йўналишлари ёки унга асосланган Томонларнинг мажбуриятларига таъсир этмаслиги лозим.

#### VI. Яқуний қоидалар

12. Ушбу Меморандум имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва номуайян муддат давомида амал қилади.

13. Томонларнинг ҳар бири ушбу Меморандум амал қилишини тугатиш тўғрисида камида уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, унинг амал қилишини муддатидан олдин бекор қилиши мумкин.

14. Мазкур Меморандум Тошкент шаҳрида 2018 йил 26 апрель куни 2 (икки) асл нусхада ўзбек тилида тузилди ва имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи  
муассислигидаги “Республика ёш  
олимлар Кенгаши” нодавлат  
нотижорат ташкилоти



\_\_\_\_\_ К.Мирзаахмедов

Ўзбекистон Республикаси  
Интеллектуал мулк агентлиги Бош  
директори



\_\_\_\_\_ А.Файзуллаев

Тошкент, 2018 йил 26 ” апрель